

Шарқий жабҳа



10:21 / 02.04.2025 1469

«Шарқий жабҳа» деганда Мовароуннаҳр юртлари, Синд юрти, Ҳиндистон кўзда тутилади. Икки дарё – Сайхун ва Жайхун дарёлари орасидаги ва унинг атрофидаги ерлар Мовароуннаҳр юртлари ҳисобланади. У ерда ўша пайтда Тоҳористон (пойтахти Балх), Софониён (пойтахти Шумон), Сўғд (пойтахти Самарқанд ва Бухоро), Фарғона (пойтахти ўша вақтда Хўжанд бўлган), Хоразм (пойтахти Журжония), Ашрусна (Усрушона, пойтахти Панжикент), Шош (пойтахти Бинкет) каби юртлар машҳур бўлган.

Ўша пайтларда мазкур ўлкаларда истиқомат қилувчи аҳолининг кўп қисми бутпарастлардан иборат эди. Мусулмонлар Мовароуннаҳр юртларини фатҳ қилишни ҳижрий 41 (милодий 661) йилда бошладилар. Улар, аввало ҳижрий 43 (милодий 663) йилда Сижистонни фатҳ қилдилар. Ҳижрий 45 йилда Тоҳористоннинг баъзи юртлари фатҳ қилинди. Ниҳоят, улар

Куҳистонга етиб бордилар. Ҳижрий 55 (милодий 675) йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бухорогача етиб борди. Ҳижрий 44 йилда мусулмонлар Синд ва Ҳинд юртлирига қадам босдилар. Бу юртлирнинг аҳолиси маълум бир вақт бўйсуниб туришди, сўнг яна орқага қайтиб, вазият барқарор бўлмади. Ниҳоят, Валид ибн Абдулмаликнинг даврига келиб мусулмонлар у ерларда ўз ҳукмларини мустаҳкамладилар.

«Ислон тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.